

ПРЕСС-РЕЛИЗ

2016 йил 15 июль

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан Тошкент шаҳар Яшнобод туманида жойлашган “Тошкентдонмахсулотлари” АЖда “Иқтисодиёт объектларининг фавқулодда вазиятларда барқарор ишлашینی таъминлаш: кеча, бугун ва келажакда” мавзусида семинар ўтказилди.

Семинар ўтказишдан асосий мақсад иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлашینی таъминлашда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни олдини олишга қаратилган муаммолар, уларнинг ечимларини ўрганиш, тажриба алмашиш деб белгиланди.

Барчамизга маълумки, иқтисодиёт объектларининг фавқулодда вазиятларда барқарорлигини таъминлаш муаммоси ҳар бир давлатнинг миллий хавфсизлигининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Ушбу муаммонинг ечимсиз ҳарбий, иқтисодий ёки ҳар қандай бошқа хавфсизликни таъминлаб бўлмайди.

Ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий ва миллий хавфсизликнинг бошқа турлари, иқтисодиёт объектларининг ҳар қандай вазиятларда, жумладан фавқулодда вазиятларда ҳам барқарор ва узлуксиз фаолият юритиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам фавқулодда вазиятларда иқтисодиёт объектларининг барқарорлигини таъминлаш жуда муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш ва барқарор ишлаш қобилиятини юксалтириш масалалари бир қатор омилларга боғлиқдир.

Хусусан, хавfli ишлаб чиқариш объектларидаги авария, иншоотлар ва хавfli ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган техника қурилмаларининг бузилиши, назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва хавfli моддалар ажралиб чиқиши инсонларнинг нобуд бўлишига, жароҳатланишига ва атроф-табiiй муҳитнинг ифлосланишига олиб келади.

Бундай вазиятларда объектларни барқарор фаолият кўрсатишини, ундаги ишчи ва хизматчиларни ҳамда объектлар яқин атрофидаги аҳолини хавфсизлигини таъминлаш корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари – фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятларидан бири ҳисобланади.

Бу каби мажбуриятлар, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 9 ва 11-моддаларида белгилаб қўйилган.

Республикада иқтисодиёт объектларнинг фавқулодда вазиятлар даврида барқарор фаолият кўрсатишлари учун назарий ва амалий тартибдаги чора-тадбирлар тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда.

Барчамизга маълумки, юртимизда Фуқаро муҳофазасини ташкил қилиш, аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоялаш, содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш вазифаси республикада фаолият олиб бораётган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими зиммасига ўлкан масъулият юклайди.

Мустақиллик йилларида бу борада қабул қилинган Қонун ва қарорлар ушбу объектларнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларда белгиланган вазифалар изчил равишда бажариб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 71-сонли қарори билан “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни прогнозлаш бўйича Давлат дастури”, шунингдек ушбу қарорнинг мантиқий давоми сифатида 2015 йил 20 июнда “Республиканинг саноат ва сув хўжалиги объектларида турли техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича Комплекс чора-тадбирлар” тасдиқланиб, республикадаги энергетика, кимёсаноати, сув хўжалиги, нефть ва газ ва бошқа соҳаларда бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ушбу семинарда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Тошкентдонмахсулотлари” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК, “Саноатконтехназорат” ДИ вакиллари қатнашдилар.